Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 59 (9805). • 1990 йил 25 март • якшанба • Баҳоси 3 тийин.

## Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

24 март куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси иш бошлади.

Сессияни Марказий сайлов комиссиясининг раиси Т. Ҳ. Собитов очди.

Мандат комиссиясининг раиси депутат Ш. М. Мирзиёев комиссия докладини қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Конституциясининг 104-моддасига биноан Мандат комиссиясининг доклади юзасидан Ўзбекистон ССРнинг 463 нафар халқ депутати ваколатларини эътироф этди.

Сессия ишининг қуйидаги кун тартиби тасдиқланади:

Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳақида;

Ўзбекистон ССР Президентини сайлаш;

Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларининг муваққат регламенти тўғрисида;

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раисини ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосарини сайлаш;

Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларини тузиш;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети таркибини тасдиқлаш;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисини тайинлаш;

Ҳукуматнинг келгусидаги фаолият программаси тўғрисида ҳамда СССР халқ депутатлари II Съездининг «Иқтисодиётни соғломлаштириш тадбирлари, иқтисодий ислоҳотнинг босқичлари ва ўн учинчи беш йиллик планини ишлаб чиқишга принципиал ёндашувлар тўғрисида»ги қарорининг қандай бажарилаётгани ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг доклади;

«Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг таклифлари тўғрисида;

Ўзбекистон ССР Олий судини сайлаш;

Ўзбекистон ССР иқтисодий мустақиллигининг шакллантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида.

Депутатлар бошқа бир қанча муҳим масалаларни ҳам муҳокама қиладилар.

Сессия Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасини муҳокама қилишга ўтади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат М. И. Иброҳимов доклад қилди.

Муҳокамада Ўзбекистон ССР халқ депутатлари С. Д. Ниетуллаев, М. Эргашева, В. Г. Грабилин, Б. Сериков, О. Маҳмудов, Ҳ. Ҳ. Нишонов, П. Қ. Қодиров, Г. Х. Сидаков ва бошқалар иштирок этдилар.

Сессия «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунини қабул қилди.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Президенти сайланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Ислом Абдуғаниевич Каримов яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг биринчи Президенти этиб сайланди.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов қасамёд қилди. Сўнгра Ўзбекистон ССР Президенти нутқ сўзлади.

26 март куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттиради.

**Кеча Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи сессияси ўз ишини бошлади. Депутатлар Ўзбекистон ССРнинг биринчи Президентини сайладилар.**



*Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори*

## Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти тўғрисида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти этиб сайлансин.

## Президент қасамёди

И. А. Каримов қасамёд қилади: **«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти лавозимида иш бошлар эканман, Ўзбекистон халқларига садоқат билан хизмат қилишга, гражданлар ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон ССР Конституциясига қатъий риоя этишга, зиммамга юкланган юксак вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».**

*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида*

# Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВ нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси гражданлари!

Қадрли юртдошлар!

Ҳозиргина республика Олий Совети сессиясининг қарори билан Ўзбекистон тарихида биринчи марта Ўзбекистон ССР Президенти лавозими таъсис этилди ва бу юксак масъулиятли вазифа менга топширилди.

Бу катта ишонч учун ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман. Мен буни энг аввало ўзбек халқи, Ўзбекистон ССРнинг барча меҳнаткашлари, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, жумҳуриятимизда яшовчи ҳамма миллат ва халқлар тақдири учун ўз зиммамга тушган улкан бурч ва жавобгарлик деб қабул қиламан. Ҳар бир гражданнинг конституцион ҳуқуқи ва эркинликларини, совет халқлари ягона оиласидаги республикамизнинг миллий ва ижтимоий жиҳатдан тобора тараққиётини таъминлаш йўлидаги катта масъулият деб тушунаман.

Хабарингиз бор, бир неча кун олдин СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездида СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Бу лавозимга Михаил Сергеевич Горбачев сайланди.

Бу воқеа мамлакатимизнинг ҳамма жойида чуқур мамнуният билан кутиб олинди.

Совет кишилари ўз ҳаётларининг амалдаги равнақи, тартиб ва интизомнинг мустаҳкамланиши, янгиланаётган СССР федерациясида совет халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигининг янада ривожланиши ҳақидаги ўз орзу-умидларини худди шу воқеа билан боғламоқдалар.

Президент бошқарувини ҳаётнинг ўзи, қайта қуришнинг мантиқи, моҳияти, унинг мураккаб ва зиддиятли жараёнлари тақозо этаяпти.

Жумҳуриятимиз бутун мамлакат сингари бугун оғир, бурилиш даврини бошидан кечиряпти.

Узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган миллий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожланиш муаммолари ниҳоятда мураккаб ва кескин тус олди. Республиканинг келажаги, халқ тақдири, ҳар бир одамнинг, унинг оиласи турмушининг, Ўзбекистон гражданлари келажак авлодлари ҳаётининг тўкислиги, тинчлик-осойишталиги бу муаммоларнинг изчиллик билан ҳал этилишига боғлиқдир. Республикамиз олдида турган мана шу ва бошқа бир қатор долзарб масалаларни тубдан ҳал этишда президент лавозимининг таъсис этилиши янги имкониятлар очади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти сифатида ўзимнинг асосий вазифаларим нималардан иборат деб биламан?

**1. Ўзбекистон ССРнинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уни янги ва ҳаётий мазмун билан бойитиш.**

Халқ миллий онгининг ўсиши, мамлакатимизнинг миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишининг ҳозирги замон даражаси ва истиқболи совет федерациясининг янгиланишини, республика билан ССР Иттифоқи ўртасидаги алоқа ҳамда ваколатларнинг янада аниқроқ белгиланишини талаб қиляпти.

Бугунги кунда СССР таркибидаги бошқа иттифоқдош республикалар қатори Ўзбекистон ССР ҳам мустақил социалистик давлат сифатида ўз территориясида тўла-тўкис давлат ҳокимиятига эга бўлмоғи кераклиги очиқ-ойдин бўлиб турибди.

СССР давлат ҳокимиятининг олий органлари ихтиёрига ўз хоҳиши ва тегишли ўзаро келишув бўйича берилган ваколатлар, албатта, бундан истиснодир.

Президент сифатида республикамиз ўзига тегишли масалаларнинг барчасини мустақил ҳал қилиши керак деб ўйлайман.

Булар — меҳнат ресурсларидан, табиий ва минерал хом ашё бойликларидан мустақил ва оқилона фойдаланиш, ўз территориясида иқтисодий ва ижтимоий-маданий тараққиётни комплекс равишда ривожлантириш, ССР Иттифоқи қарамоғидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, меҳнат хавфсизлигини, атроф-муҳит муҳофазасини, аҳолининг эҳтиёжларини таъминлаш масалаларидир.

Шу билан бир қаторда республикамиз ва унинг барча гражданлари томонидан Иттифоқ шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар қатъий, сўзсиз бажарилиши лозим. СССРнинг мустақиллигини, территориал яхлитлигини, СССР давлат чегаралари муҳофазасини, мудофаа ва қуролли кучларни уюштиришни, давлат хавфсизлигини таъминлаш — биринчи навбатдаги вазифалардир.

СССРнинг халқаро шартномаларида белгиланган ва мамлакатнинг ягона халқ хўжалиги комплекси миқёсида барча республикалар ҳамкорликда ечиши лозим бўлган иқтисодий ва ижтимоий вазифалар ҳам шу жумладандир.

Ўзбекистон ССР мустақил ва тенг ҳуқуқли республика сифатида бошқа республикалар билан сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни ўзаро эркин ҳал қилади. Бу алоқаларни дўстлик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва тотув қўшничилик муносабатлари асосида янада мустаҳкамлаб боради.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ўртасидаги асрий бирадарлик, дўстона муносабатларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Тарихимизнинг, тақдиримизнинг бирлиги, тилимиз, маданий-маънавий анъаналаримиз ўхшашлиги, яқин қўшничилик ва қариндошлик алоқалари республикаларимиз ҳамкорлигини янада кенгайтириш имкониятини беради.

Миллий-давлат қурилиши соҳасида миллатлараро алоқаларни яхшилаш, гражданларнинг, қайси миллат вакиллигидан, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Ўзбек тилининг давлат тили эканлиги ҳақидаги қонунни изчил амалга ошириш билан бирга, Ўзбекистонда яшовчи барча миллат вакилларига ўз тилларида бемалол гаплашиш, уларнинг миллий-маданий эҳтиёжларини қондириш ва бутун аҳолига миллатлараро мулоқот тили бўлган рус тилидан эркин фойдаланиш имкониятларини ҳам таъминлаш зарур.

Бу масалалар Қорақалпоғистон Автоном Республикасига ҳам тўлиқ тааллуқлидир. Регионимизда ягона бўлган автоном республиканинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, унинг миллий-давлат ва ҳуқуқий мақомини барқарор қилиш шунга боғлиқдир.

Энг муҳими — республикада яшовчи барча миллат ва халқлар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатларни сақлаб қолиш ва кучайтиришдир.

Бу — республикада тинчлик ва осойишталикни, одамларнинг тақдири, бутун мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги барқарорлигини таъминлашда ҳал қилувчи вазифадир.

Ўтган йили Фарғона вилоятида, яқинда Тошкент вилоятининг айрим районларида бўлиб ўтган фожиали воқеалар миллатлараро муносабатларнинг бузилиши, кескинлашуви нималарга олиб келишини рўй-рост кўрсатди.

Бу ҳолни фақат вабодай юқумли касаллик билан қиёслаш мумкин. Бегуноҳ одамлар қурбон бўлмаслиги, ҳаммаёққа ўт кетмаслиги учун бунинг олдини олиш зарур.

Шунинг учун СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига, ўзбек халқининг олижаноб инсоний фазилатларига таяниб, ҳар бир одамнинг қадр-қимматини, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи, миллий адоват ва зўравонликни ман этадиган қонунларга қатъий риоя қилишни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

Бу қонунларга риоя қилмаслик ҳар бир киши учун — инсоният олдида, энг аввало ўз халқи олдида оғир жиноят деб ҳисоблайман.

Бу — одамларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларига тажовуз, мамлакат ва дунё жамоатчилиги кўз ўнгида халқимизнинг обрўсини тўкиш демакдир.

Бунга йўл қўйишга, азиз ўртоқлар, сиз билан бизнинг мутлақо ҳаққимиз йўқ.

Ўзбек халқи асрлар давомида барча халқлар билан иноқ яшаган, дўстона ҳамкорликда бўлган, инсонпарварлиги, меҳнатсеварлиги, меҳмондўстлиги, меҳр-оқибати, холис ёрдам учун доим тайёрлиги билан бошқа қардош халқларнинг ҳурмат-эътиборини қозонган, таҳсинига сазовор бўлган. Унинг мана шундай олижаноб шанига ҳеч кимнинг доғ туширишига йўл қўймаслигимиз керак.

**2. Президент бошқарувининг муҳим вазифаларидан бири республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўзини ўзи идора қилишга ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишини таъминлашдир.**

Мазкур сессияда халқ депутатлари Ўзбекистон ССР иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг асосий йўналишлари белгиланган ҳукумат программасини муҳокама қилиб тасдиқлашлари керак.

Жумҳуриятимизнинг сўзда эмас, амалда иқтисодий мустақиллигини белгиловчи айрим энг аҳамиятли масалаларга тўхтаб ўтмоқчиман. Улар партия ва Совет ҳокимиятининг асосий мақсади бўлган халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги мураккаб, чигал муаммоларнинг ҳал қилиниши билан боғлиқдир.

Улардан биринчиси халқ хўжалиги комплексини тубдан қайта қуришдир. Хом ашё етиштиришдан халқ учун зарур бўлган тайёр товарлар ишлаб чиқаришга ўтиш. Бу билан республикада яратилаётган ялпи маҳсулот ва миллий даромадни илдам суръатларда ўстиришни таъминлаш.

Ўзбекистон табиий ва хом ашё ресурсларига бой. Буларнинг ҳаммаси — ер, сув, ўрмон ва еrости бойликлари — республиканинг ажралмас мулки бўлиши керак. Лекин ана шу табиий бойликлардан ўйламай-нетмай фойдаланиб, тез ўсиб бораётган аҳолининг эҳтиёжларини қондириш мумкин деган ўртоқлар хато қилади.

Ҳар қандай табиий бойликнинг чегараси бор. У бир кун эмас бир кун тамом бўлади. Уни қайта тиклаб бўлмайди. У бизга ота-боболаримиздан қолган меросгина эмас, балки биз авайлаб-асраб, янада ошириб, келажак авлодларга етказиб беришимиз керак бўлган омонат ҳамдир.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, биронта мамлакат ё халқ ўз фаровонлигини фақат хом ашё сотиб таъминлай олмайди. Газ ёки металл, пахта ёки пилла сотиб маълум вақтгагина бойлик орттириш мумкин. Лекин бунақа иқтисоднинг истиқболи йўқ.

Ҳақиқий ободончиликка, фаровонликка фақат табиат инъомларидан оқилона фойдаланиб, уларнинг қийматини янада оширадиган юқори унумли, малакали меҳнат билан эришиш мумкин.

Шунинг учун биз танлаган бош йўл — республиканинг барча табиий бойликларини — пахта, металлар, пилла, газ, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлашни кўпайтириш.

Бу вазифани фан-техника ютуқларига асосланган сермеҳнат ишлаб чиқаришни, малакали мутахассисларнинг, меҳнаткашларнинг барча табақа вакиллари савиясининг ўсишини таъминламасдан бажариб бўлмайди.

Шу билан бир қаторда экономикамиз бошқарув ва хўжалик юритишнинг, мулкчилик ва товар-бозор муносабатларининг турли хил янги усулларига ўтиши муҳим аҳамиятга молик.

Халқ хўжалиги структурасини тубдан ўзгартириш билан катта сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муаммо — аҳолини мунтазам равишда иш жойлари ва етарли иш ҳақи билан таъминлаш масаласи боғлиқдир.

Бу вазифа шу қадар кескин турибдики, биз уни ҳал қилиш учун бир йўл эмас, бир неча йўллардан, бир-икки имконият эмас, бор имкониятларнинг барчасидан фойдаланишимиз зарур.

Халқ ҳаётининг ўзига хос тарихий, миллий хусусиятларидан келиб чиқиб анъанавий ишлаб чиқаришни, халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик корхоналарини кўпайтириш лозим.

Район марказларида, қишлоқларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини, филиал ва цехларни қуриш, уларда меҳнатни турлича ташкил қилиш — қисқартирилган иш куни ва ҳафтаси, уйда ишлаш каби усуллардан кенг фойдаланиш керак. Ва ниҳоят илмий-техник тараққиётнинг бугунги даражасига жавоб берадиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Бусиз аҳолининг иш билан бандлигини ҳам, умуман олганда эса миллий ва ижтимоий тараққиётни ҳам таъминлаб бўлмайди.

Айтиб ўтилган ва бўлак ишларни мамлакатнинг бошқа республикалари ва иқтисодий районлари, чет эллар билан ўзаро фойдали иқтисодий, илмий-техник ва маданий алоқаларсиз ҳал этиш қийин.

Иқтисодий мустақиллик — ўз ёғида қовурилиш, ўз қобиғида қолиб кетиш эмас. Бу — умуминсоният тажрибасига зид ҳодиса.

Иқтисодий мустақиллик — республикамизнинг табиий, иқтисодий, демографик (аҳолининг кўплиги) каби ва бошқа имкониятларидан халқ ҳаётининг равнақи учун тенг ҳуқуқлилик асосида ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш учун иложи борича кенгроқ фойдаланишдир.

**3. Меҳнаткашларнинг, аҳолининг ҳамма табақалари фаровонлигини ошириш, одамларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш — республиканинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан, шахсан мендан, Ўзбекистон ССР Президентидан доимий эътибор талаб қиладиган вазифадир.**

Республикамиз жон бошига даромад, озиқ-овқат ва ҳар кунлик эҳтиёж моллари истеъмол қилиш, уй-жой, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, савдо, социал-маиший ва маданият тармоқлари бўйича Иттифоқимизда охирги ўринларда турибди.

Қулай иқлим шароитларига ва ноёб табиий бойликларга эга, СССРда энг йирик республикалардан бири шу даражада бўлишига чек қўймоқ лозим.

Орол муаммоси Қорақалпоғистон АССР, умуман Ўзбекистон, бутун Ўрта Осиё регионини фожиасига айланди. Табиат муҳофазасини ва санитария аҳволини яхшилаш борасида кескин чоралар кўришимиз керак.

Биринчи навбатда инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши республикада бўлажак миллий-давлат ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг марказида бўлиши шарт.

Хабарингиз бор, бу борада биринчи жиддий қадамлар қўйилди. Қишлоқ аҳолисига шахсий хўжаликларни кенгайтириш ва уй-жой қуриш учун қўшимча ер ва маблағ ажратилмоқда, қурилиш материаллари билан ёрдам берилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб пахта теримига қўшимча ҳақ тўланаяпти ва бундан буён бу маблағлар икки баравардан кўпроқ ошади.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини ошириш тўғрисидаги масала мамлакатимиз ҳукумати олдига қўйилди ва охиригача ҳал этилади. Республикамиз пойтахти Тошкент, бир қатор вилоят марказлари ва шаҳарларнинг хўжалигини яхшилаш ва қайта қуриш, қишлоқларнинг социал аҳволини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган ва белгиланган тадбирлар амалга оширилаяпти.

Бошланғич синфлардаги ўқувчиларга бепул овқат, ҳомиладор бемор аёлларни қўшимча, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш жорий этилди.

Ветеранларнинг нафақасини ошириш, ногирон ва ёлғиз қолган қариялар уй-интернатларининг шароитларини яхшилаш учун қўшимча маблағ сарф этилаяпти. Ётоқхоналарда жой танқислигидан шахсий уйларда ижарага яшаётган талабаларга моддий ёрдам берилмоқда.

Ҳали инсонларнинг ҳаётини яхшилаш борасидаги катта режалар, умидбахш тадбирлар кўп. Улар Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида баён этилган.

Ўзбекистон ССР Президенти сифатида республикамизда одамлар ҳаётининг тўкислиги учун барча шароитларни яратиш бўйича қабул қилинаётган ижтимоий программаларни бекаму-кўст амалга оширишни ўзимнинг асосий вазифам деб биламан.

Бунинг учун аҳолининг барча табақаларига озиқ-овқат маҳсулоти ва товар таъминотини яхшилаш, қашшоқ оилаларнинг даромадини кўтариш лозим. Шунингдек ёшларимиз ва кексаларимиз, аёлларимиз тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз керак.

Барча аҳоли пунктларини сифатли ичимлик сув ва газ билан таъминлаш, атроф-муҳитни соғломлаштириш ва ижтимоий вазиятни яхшилашимиз зарур. Менинг фикримча, республика халқ депутатлари Олий ва маҳаллий Советларининг, ҳамма совет, давлат, хўжалик идораларининг, жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг фаолияти энг аввало ана шу мақсадларга қаратилмоғи ниҳоятда муҳимдир.

Турмуш шароитлари ночор бўлиб турган бир пайтда ноинсофлик, давлат ва халқ мулкига хиёнат, чайқовчилик, жиноятчилик ва бошқа иллатларга қарши шафқатсиз кураш — бугунги куннинг долзарб талабидир.

(Давоми иккинчи бетда).

